



СЕРТИФИКАТЛАШ ВА ПАРВОЗЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БҮЛМИ ТҮҒРИСИДА НИЗОМ.

Асос:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647 Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш түғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-4143 Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси Агентлиги, темир йулларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш түғрисида” 2019йил 19 апрелдаги 337-сонли Қарори.
5. Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг стандартлари ва тавсия қилинган амалиёти.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

6. Сертификатлаш ва парвозлар амалга оширилишини назорат қилиш бўлими (кейинчалик – бўлим) Ўзбекистон Республикасининг Транспорт вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси Агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик), сертификатлаш ва парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш бошқармаси таркибига киради ва парвозларни таъминлаш ва бажариш борасидаги рўйхатдан ўтказиш, сертификатлашва назорат ишларини амалга оширади.

7. Сертификатлаш ва парвозлар амалга оширилишини назорат қилиш бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуни, фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) хужжатлари, парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш, сертификатлаш бошқармаси ва Агентлик ҳақидаги Низомлар, Агентлик директорининг бўйруқлари ва кўрсатмалари ҳамда мазкур Низомга таянади.

8. Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясидаги парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспектори мақомига эга.

2. СПАОНБ асосий вазифалари.

9. СПАОНБ асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
 - фаолияти парвозларни таъминлаш ва бажариш билан боғлиқ бўлган ФА эксплуатантлари, авиакорхоналарининг ўқув (машқ) муассасалари, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси ФАнинг бошқа субъект ва объектларини сертификатлаш ишларини ташкил қиласди ва олиб боради;

куйидаги соҳаларда назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш фуқаро ва экспериментал ҲК да парвозларни бажариш ва таъминлаш;

СПАОНБ фаолияти йўналиши бўйича амалий тажрибадан келиб чиқиб, халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида Конвенция (Чикаго конвенцияси 1944 йил) қоидалари ва унинг иловаси тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг авиаация қоидалари, бўлим фаолиятининг йўналишлари бўйича меъёрий ва бошқарув хужжатларини тайёрлади.

СПАОНБ вазифасига алоқадор ФА халқаро ташкилотлари ишида қатнашиш, авиаация маъмуриятлари, бошқа давлатларнинг сертификатлаш ва назорат органлари тузилмалари билан бўлим ваколатига тегишли масалалар бўйича ўзаро муносабат ва ҳамкорликни таъминлайди.

халқаро фуқаро авиацияси ташкилотларининг ишларида қатнашади, СПАОНБ вазифасига алоқадор бошқа давлатларнинг авиаация хукуматлари, сертификация ва инспекция тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлайди.

10. СПАОНБга юкландган вазифаларига мувофиқ куйидаги вазифаларни бажаради:

СПАОНБ фаолияти йўналиши бўйича амалий тажрибадан келиб чиқиб, халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида Конвенция (Чикаго конвенцияси 1944 йил) қоидалари ва унинг иловаси тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг авиаация қоидалари, бўлим фаолиятининг йўналишлари бўйича меъёрий ва бошқарув хужжатларини ишлаб чиқади.

Фаолиятининг йўналишлари бўйича инспекторлик таркиби учун назорат ва техник йўриқномларининг турдаги дастурини ишлаб чиқади;

ФА эксплуатантлари, авиакорхоналарининг ўқув (машқ) муассасалари, шунингдек фаолияти парвозларни бажариш ва таъминлаш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси ФАнинг бошқа субъект ва объектларини сертификатлашни ва белгиланган тартибда тегишли сертификатлар, эксплуатация таснифлари, муайян рухсатномалар ва чекловлар (EDTO, PBN, RNP, RVSM, AWOP, MNPS, RNAV, ҳавфли юкларни ташиш бўйича) беришни ташкиллаштиради ва олиб боради;

бериладиган сертификатлар, рухсатномалар ва хулосаларнинг реестрини олиб боради;

авиация ходимларининг авария-кутқарув тайёргарлигида фойдаланиладиган ҳаво кемаси макетлари ва тренажер ҳолатларини комплекс малака баҳосини амалга оширади;

куйидаги соҳаларда белгиланган талаблар бўйича фуқаро авиацияси, экспериментал авиаация ва ФАнинг бошқа объектлари эксплуатантларига мослигини тасдиқлаш мақсадида текширувни (назоратни) ташкил қилиш ва амалга оширади:

а) парвозларни бажаришда;

б) авиация ходимларини ўқитиш ва малакасини ёқлаш;

в) авиация ходимларининг бошлангич тайёргарлиги, қайта тайёргарлиги, малакасини ошириш, дастлабки тайёргарлик бўйича ўқув режа ва дастурларини белгиланган тартибда экспертиза қилишни ташкиллаштириш ва тасдиқлаш;

г) ШЕХМ ёрдамида тестдан ўтказиш бўйича ўқув режалари ва дастурларини белгиланган тартибда текшириш ва тасдиқланишини ташкил қилиш;

д) ҳаводаги ташувларнинг ҳавфизизлигини, жумладан ҳаво транспортида ҳавфли юкларни, транзит қуролланиш, ҳарбий техника, ҳарбий мулклар, портлаш воситалари ва ҳарбий қурол яроғ аслаҳаларнинг ташилишини назорат қиласди;

е) йўналишлар бўйича эксплуатантларнинг инспектор текширувларини ташкил қиласди ва олиб боради;

ж) Ўзбекистон Республикасида фуқаро ва экспериментал авиаацияси эксплуатантлари бошқарув-учувчилари, инструкторлар, учувчи ва хизмат қўрсатувчи ходимларининг малакага оид текширувни ташкиллаштиради ва олиб боради.

з) эксплуатантларнинг ваколатдаги тайинланган мутахассисларининг тегишли вазифаларни бажаришлари учун доимий назоратни амалга оширади;

и) Ўзбекистон Республикаси ФА эксплуатантлари ва ташкилотлари томонидан парвозлар хавфсизлигини ошириш бўйича тадбирларни тайёрлаш ва амалга оширишни назорат остига олиш;

к) парвозлар хавфсизлиги даражасини ошириш бўйича тадбирларни Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси эксплуатантлари ва ташкилотлари билан ишлаб чиқилишини ва жорий этилишини назорат қилади;

л) Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида парвозлар хавфсизлиги ҳолатининг таҳлилини олиб боради

м) ҳорижий сертификатларини мослигини эътироф қилиш процедураларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Ҳорижий давлатлар томонидан авиация мутахассисларига берилган сертификатларни (гувоҳномалар) эътироф қилиш (тан олиш) расмий маросимларида қатнашади.

и) фуқаро ва экспериментал авиация ҲҚ да содир этилган авиация ҳодисалари ва тўқнашувларни тергов қилишда қатнашади;

о) бўлим инспектор таркибининг малакасини талаб даражасида кўллаб-кувватлаш (фаолиятининг ихтисоси бўйича бошланғич назарий тайёргарлик, иш жойида тажриба ортириш, инспекторнинг маҳсус, даврий, ўрта-давомийлик, узоқ муддатли тайёргарлиги парвозларининг қоидаларини);

п) фуқаро ва авиация эксплуатантлари, ташкилотлари ва ўқув муассасаларида парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этилишини назоратини амалга оширади;

р) авиакомпанияларда, ўқув юртларида парвозлар хавфсизлиги кўрсаткичлари устидан назоратни амалга оширади;

с) йўловчиларнинг хаёти, саломатлиги ва (ёки) мулкига етказилган заар учун ўзининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича қонунда белгиланган мажбуриятларни авиааташувчилар томонидан бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

т) СПАОНБ фаолияти йўналиши бўйича масалаларда бошқа давлатларнинг тегишли ташкилотлари билан алоқаларни белгиланган тартибда амалга оширади;

у) СПАОНБ фаолиятига алоқадор масалалар бўйича конференциялар, семиналар, жумладан халқаро йигинларда иштирок этади.

3. СПАОНБ фаолиятини ташкиллаштириш

11. Бўлимни парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш, сертификатлаш бошқармаси бошлиғи тавсиясига кўра “Узавиация” Агентлиги директори томонидан тайинланган бошлиқ бошқаради. Бўлим бошлиғи бош-учувчи (шеф-учувчи) хисобланади.

12. Бўлим бошлиғининг парвозлар режаси бошқарма бошлиғи билан келишилади ва Агентлик директори ёки унинг ўринбосари орқали тасдиқланади.

13. Бош-учувчи учун парвоз кунларида иш вақтининг хисоби “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиаацияси ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтларини нормаллаштириш” ЎзР-94 АҚга биноан олиб борилади. Бошқа вақтларда иш куни “Агентлик ходимлари учун ички меҳнат тартиб-коидалари” билан қатъий белгиланади.

14. Бўлим бошлиғи йўқлигига унинг вазифасини бўлимнинг тайинланган бош мутахассиси бажаради.

15. Бўлим ходимлари ўз мажбуриятларини бажарадилар ва лавозим йўриқномаларига мувофиқ жавобгардилар.

16. Бўлим ишлари сертификатлаш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланган режалар бўйича амалга оширилади.

17. Бўлим ишларининг тартиби “Агентлик ходимлари учун ички меҳнат тартиб-коидалари”га асосан белгиланади. Учувчи мутахассисларнинг парвоз режалари бўлим

бошлиғи билан келишилади ва Агентлик директори ёки унинг ўринбосари орқали тасдиқланади. Парвоз кунларидағи иш вақтининг хисоби “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтларини нормаллаштириш” ЎзР-94 АҚ га биноан олиб борилади.

18. Бўлим бошлиғи ҳар бир ходимни ихтисоси бўйича тайёрлашни хисобга олган ҳолда, бўлим ишларининг унумдорлигини таъминлаш ва мутахассисларни ўзаро алмашиниши учун фаолиятларининг йўналишлари бўйича бош ва етакчи мутахассислар ўртасида вазифаларни тенг тақсимлаш ишларини олиб боради.

19. Бўлим мутахассислари эксперт сифатида Агентликнинг ОМК ва Ўзбекистон Республикаси ФА ўқув юртларининг давлат имтиҳон комиссиялари ишларига жалб қилинадилар.

20. Бўлимнинг таркибий (тузилмавий) схемаси 1-сонли Иловада келтирилган.

4. СПАОНБ вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

21. Бўлим бошлиғи:

олий авиация маълумотига, ФА учувчисининг амалдаги гувоҳномасига, учувчи-рахбар ишида 5 йилдан кам бўлмаган тажрибага, улардан камида 3 иили бошқарув-учувчи лавозимларида бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексини, авиация транспорти соҳасидаги фаолиятни эксплуатантлар ва авиация ўқув марказларини сертификатлаш, ФА авиация ходимларини тайёрлаш ишларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий хужжатларини;

эксплуатантлар ва авиация ўқув марказларини сертификатлаш, ФА авиация ходимларини тайёрлаш, ФА ҳаво кемаларини эксплуатация қилиш ва парвозларни таъминлаш масалалари бўйича стандартлар ва ИКАО тавсия қиладиган амалиёт талабларини;

Ўзбекистон Республикаси ФА қоидалари ва парвозларни таъминлаш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар, учув ишларини ва экипаж кабинасидаги ташкил қилиш бўйича услубий хужжатларни;

мехнат қонунлари асослари, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимояланиш қоидалари ва нормаларини билиши керак.

22. Бўлим бошлигининг вазифалари:

мазкур Низом, Агентлик (СЛНБ Бошқарма) фармойишлари билан белгиланган асосий вазифалар ва хизматларга мувофиқ фаолият йўналишлари бўйича ишларни режалаштириш ва ташкил қилиш;

ФА эксплуатантлари, авиакорхоналарининг ўқув (машқ) муассасалари, шунингдек фаолияти парвозларни бажариш ва таъминлаш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси ФАнинг бошқа субъект ва обьектларини сертификатлашни ва белгиланган тартибда тегишли сертификатлар, эксплуатация таснифлари, муайян рухсатномалар ва чекловлар (EDTO, PBN, RNP, RVSM, AWOP, MNPS, RNAV, хавфли юкларни ташиш бўйича) беришни ташкиллаштиради ва олиб боради;

ҳорижий сертификатларини мослигини эътироф қилиш процедураларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Ҳорижий давлатлар томонидан авиация мутахассисларига берилган сертификатларни (гувоҳномалар) эътироф қилиш (тан олиш) расмий маросимларида қатнашиш;

бўлим инспектор таркибининг малакасини талаб даражасида қўллаб-куватлайди (фаолиятининг ихтисоси бўйича бошланғич назарий тайёргарлик, иш жойида тажриба орттириш, инспекторнинг маҳсус, даврий, ўрта-давомийлик, узоқ муддатли тайёргарлиги парвозларининг қоидаларини);

қуидаги соҳаларда белгиланган талаблар бўйича фуқаро авиацияси, экспериментал авиация ва ФАНИНГ бошқа обьектлари эксплуатантларига мослигини тасдиқлаш мақсадида текширувни (назоратни) ташкиллаштиради ва амалга оширади:

- а) парвозларни амалга оширишда;
- б) авиация ходимларини ўқитиш ва малакасини қўллаб-куватлашда;
- в) авиация ходимларининг бошланғич тайёргарлиги, қайта тайёргарлиги, малакасини ошириш бўйича ўкув режа ва дастурларини белгиланган тартибда экспертиза қилишни ташкиллаштириш ва тасдиқлашда;
- г) ШЕХМ ёрдамида, учувчилар таркиби ва хизмат кўрсатувчи ходимларни тестдан ўтказиш бўйича ўкув режалари ва дастурларини белгиланган тартибда текшириш ва тасдиқланишини ташкил қилиш;
- д) ҳаводаги ташувларнинг ҳавфсизлигини, жумладан ҳаво транспортида ҳавфли юкларни, қуролларни транзит қилиш, ҳарбий техника, ҳарбий мулклар, портлаш воситалари ва ҳарбий қурол яроғ аслаҳаларнинг ташилишини назорат қиласи;
- е) йўналишлар бўйича эксплуатантларнинг инспекторлик текширувларини ташкил қиласи ва олиб боради;
- ж) Ўзбекистон Республикасида фуқаро ва экспериментал авиацияси эксплуатантлари учувчи-рахбар, инструкторлар, учувчилар таркибининг ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг малакасига оид текширувини ташкиллаштиради ва олиб боради;
- з) эксплуатантлар томонидан ваколатли мутахассислар тайинланган холларда, мутахассисларининг тегишли вазифаларни бажаришлари учун доимий назоратини амалга оширади;
- и) Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси ташкилотлари ва эксплуатанлари томонидан, учувчилар таркибини ва хизмат кўрсатувчи ходимларини тайёрлаш қоидаларига амал қилинишини, хамда мустақил ишлашга рухсат берилишини ва текширилишини назоратини амалга оширади;
- к) Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси ташкилотлари ва эксплуатанлари томонидан, парвозлар ҳавфсизлигининг даражасини ошириш бўйича, тадбирларни ишлаб чиқарилиши ва амалга оширилишини назоратини амалга оширади;
- л) Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида павозлар ҳавфсизлиги холатини тахлилини қиласи;
- м) хорижий сертификатларни тан олинишини мувофиқлаштириш тартибларини ишлаб чиқарди ва жорий қиласи. Хорижий давлатлар томонидан авиаходимларга берилган сертификатларни (гувоҳномаларни) тан олиниши жароёнида қатнашади;
- н) фуқаро ва экспериментал авиацияси ҲҚ билан содир бўлган авиация ҳодисалари ва инцидентларини текшируvida қатнашади (келишилган ҳолда);
- о) бўлим инспектор таркибининг малакасини талаб даражасида қўллаб-куватлаш (фаолиятининг ихтисоси бўйича бошланғич назарий тайёргарлик, иш жойида тажриба орттириш, инспекторнинг махсус таёргарлиги, даврий, ўрта-давомийлик, узок муддатли);
- п) фуқаро ва экспериментал авиацияси эксплуатанларининг бўлимларида, ташкилотларида ва ўкув муассасаларида павозлар ҳавфсизлигини бошқариш тизимини ишлаб чиқарилиши ва жорий этилиши назоратини амалга оширади;
- р) авиакомпанияларда, ўкув юртларида парвозлар ҳавфсизлиги кўрсаткичлари устидан назоратни амалга оширади;
- с) йўловчиларнинг ҳаёти, саломатлиги ва (ёки) мулкига етказилган зарап учун ўзининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурталаш бўйича қонунда белгиланган мажбуриятларни авиаташувчилар томонидан бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади;
- т) СПАОНБ фаолияти йўналиши бўйича масалаларда бошқа давлатларнинг тегишли ташкилотлари билан алоқаларни белгиланган тартибда амалга оширади;

у) СПАОНБ фаолиятига алоқадор масалалар бўйича конференциялар, семиналар, жумладан халқаро йиғинларда иштирок этади.

23 СПАОНБ бошлиғи қўйидаги хуқуқларга эга:

ушбу Низомда белгиланган вазифа ва хизматларни бажариш бўйича, ўз ваколати доирасида бўлим мутахассисларига кўрсатма ва фармойишлар беради;

уларнинг фаолиятида парвозлар хавфсизлигини таҳликага солувчи, эксплуатантларнинг юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий сертификатлаш ва инспекциялаш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этишда ФА эксплуатантлари ва ташкилотларига ижроси мажбурий бўлган назорат ёзма кўрсатмаларни беради;

агентлик раҳбариятиг, СПАОНБга таълуқли қўйидаги таклифларни киритади;

маъмурий бузилишлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади ва маъмурий жавобгарликни қўллайди;

парвозлар хавфсизлигини таҳликага солувчи номувофиқликлар аниқланган ҳолида, ФА эксплуатантларининг, ташкилотларнинг ва ўқув юртларининг амалдаги сертификатларини бекор қиласди;

агар назоратни амалга оширишда ва таълуқли эксплуатацион инспекция қилишда, хамда малакавий текширувда, қўйида кўрсатилган авиаация ходимларининг ҳаракатлари ва/ёки бехаракатлигидан келиб чиқсан ёки келиб чиқишига сабаб бўлган, парвозлар хавфсизлигига тўғридан-тўғри таъсири қилувчи, хатарли омиллар аниқланганда, бир вактда ФА Агентлиги директорига, (СПАОНБ бошқарма) бошлиғига ва манфаатдор идора, ташкилот ва ўқув юртлари раҳбарларига, хабар берган холда, учувчилар таркиби, харакат хизмати ходимлари, хизмат кўрсатувчи ходимлари ва бошқа авиаация ходимлари гувохномаларининг амалда қўлланилиши тўхтатилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташкилотлари ва эксплуатантлари мансабдор шахсларидан СПАОНБ бўлимига юклатилган вазифаларни бажариш учун керакли бўлган хужжатлар ва материалларни талаб қиласди;

унга юклатилган мажбуриятларни бажариш мақсадида ички ва халқаро авиайўналишлар бўйича текширувчи сифатида Ўзбекистон Республикаси ФА авиакомпаниялари ва авиакорхоналари экипажларининг парвоз топшириқларига белгиланган тартибда критилади;

СПАОНБ бўлими ходимларини белгиланган тартибда тайинлаш, лавозимини ўзгартириш, рафбатлантириш, интизомий жазолаш ва ишдан озод қилиш хақида раҳбариятга хабарнома тайёрлайди;

парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, ҳаво кемаларининг учув эксплуатацияси, ҳаво ҳаракатини ташкил қилиш, фуқаро авиациясининг учувчи ва назорат қилувчи таркиби тайёргарлигини муваффақлаштириш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, анжуманлар ва семинарлар ишида қатнашади.

24. СПАОНБ бошлиғи қўйидагилар учун жавоб беради:

ушбу Низом билан СПАОНБга юклangan асосий вазифа ва топшиқларининг сифатли бажарилишига;

агентлик раҳбариятининг раҳбарлик ва меъёрий хужжатлари, буйруқлари, кўрсатмалари ва топшириқлари талабларининг сифатли ва вактида бажарилишига;

фуқаро авиацияси эксплуатантлари, ташкилотлари ва ўқув муассасаларини сертификатлаш ва инспекция текширувлари бўйича сертификатлар, кўрсатмаларни бериш тўғрисида хulosha ва қарорларининг асосли ва хаққонийлигига;

.СПАОНБда ишлаб чиқилган норматив хужжатлар лойиҳаларининг сифатига;

белгиланган тартибга мувофиқ. СПАОНБда иш юритишнинг олиб борилишига;

унинг ваколатига алоқадор бўлган хужжатларнинг сақланишига;

бўлимда юритиладиган хужжатларнинг ва мулкларнинг сақланишини ташкиллаштиришга;

агентлик ички меҳнат тартиби қоидаларига ходимлари томонидан риоя қилинишига;

СПАОНБ мутахассислари томонидан, меҳнат ва ижро интизоми, меҳнат муҳофазаси ва ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларига мувофиқ ўзларининг лавозим йўриқномаларига риоя қилишларига;

хизмат ва давлат сирларини ошкор қилинишига.

Бўлим бошлиғи

Р.М.Нишанов

Сертификатлаш ва парвозлар
амалга оширилишини назорат
қилиш бўлими тўғрисидаги
Низомга

1-сонли Илова

Сертификатлаш ва парвозлар
амалга оширилишини
назорат қилиш бўлими
бошлиги

1 бирлик

Бош
мутахассис
учувчи-инспектори

2 бирлик

Эксплуатантлар ва авиация
ўкув юртларини
сертификатлаш бўйича бош
мутахассис-инспектори

1 бирлик

Хаводаги ташувларнинг
ҳавфсизлиги бўйича бош
мутахассис-инспектори

1 бирлик